



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

Ватан учун!



ҚУЧОҚ ОЧИБ ХАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК...

Замон қанчалик ўзгариб, техника тараққиёти қанот қадар тезлашмасин, инсон ҳаётининг таянчи бўлган икки улкан тушунча ўз қадрини йўқотмайди — бу маърифат ва маънавиятдир. Айниқса, маърифат камол топган жойда маънавият ўз-ўзидан жамол касб этади. Бу ҳақиқатни Бекобод тумани ҳаёти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Бекобод тумани узоқ йиллардан бери илм-маърифат, меҳнат ва ҳунар соҳасида етук кадрлар етиштириб келаётган ҳудудлардан биридир. Айниқса, яқин ойларида туманда мактаблар, касб-ҳунар марказлари ва кутубхоналарнинг моддий-техник базаси юксалтирилиб, уларнинг тарғибот марказига айланиши маънавий уйғонишга кучли туртки берди.

Бекобод туманидаги аксарият умумий ўрта таълим мактабларида «Маънавият ва маърифат дарси» махсус дастур асосида жорий қилинди. Ушбу лойиҳа орқали ўқувчилар ҳар ҳафта донишманд аждодлар, миллий қадриятлар ва замонавий ютуқлар ҳақида чуқур таҳлилий суҳбатларда иштирок этмоқда.

Тумандаги кутубхона тизимида «Китобли маҳалла» ташаббуси доирасида ҳар ой маҳалла оқсоқоллари, ёшлар етакчилари ва муаллимлар иштирокида китобхонлик суҳбатлари, фикр алмашувлари ўтказилмоқда.

Камина кейинги икки ой ичида Бекободда икки маротаба бўлиб шу нарсага шахсан амин бўлди десам,

хато бўлмайди. Бекобод аҳолиси орасида йиллар давомида шаклланган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, катталарга иззат, ёшларга ғамхўрлик каби миллий қадриятлар бугун янги куч ва шиддат олиб, маҳаллалар ва оилалар ҳаётининг беазагига айланмоқда.

Жумладан, «Янги ҳаёт» маҳалласида ёшлар иштирокида ўтказилган «Меҳр-оқибат – эзгулик илдири» номли учрашувда 10 дан ортиқ йигит-қизлар ижтимоий кўмак ва маънавий ёрдамга муҳтож оилалар рўйхатини шакллантириб, уларга волонтерлик асосида ёрдам кўрсатган.

«Обод турмуш» маҳалласида эса ҳар яшанба тонгида нафақат ободонлаштириш, балки ахлоқий суҳбатлар, «Ота-она қадри», «Оқсоқоллар мактаби» каби жонли учрашувлар ўтказилади. Кўплаб маҳаллаларда жиноятчилик даражаси мутлақ камайгани кузатилмоқда. Бекобод туманида таълим муассасалари фақат билим эмас, балки миллий тарбия ўчоғига айлантирилмоқда. Яқинда ўтказилган «Ёш нотиклар» беллашувида ўқувчилар ўз нутқлари орқали ҳам илм, ҳам маънавият ҳақида эркин фикр билдирган ҳолда жамиятга сигнал йўлладилар: «Биз маърифат билан қуролланган, маънавият билан камол топган авлодмиз!»

12-сонли мактабда ўтказилган «Нотиклик санъати ва ватанпарварлик» ҳафталигида 60 нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этиб, нутқ маданияти, ахлоқий қадриятлар ва ёшлар масъулияти ҳақида чиқишлар қилди. Энг фаол катнашчилар

туман ҳокимлиги томонидан тақдирланди.

Бекобод тумани мисолида кўриб турибмизки, маърифат илдиз отган, маънавият гуллаган жойда ёвузлик, бефарқлик, ахлоқий таназзул йўқолади. Ҳар бир мактаб, ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила маърифат ва маънавият масканига айланса, бу заминнинг эртаси нурли бўлади. Чунки маърифатнинг камоли – бу инсоннинг тафаккур ютуғи, маънавиятнинг жамоли эса – юракда яшовчи эзгуликдир.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 май куни ўтказган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида юртимиз бўйлаб «Долзарб 90 кун» маънавий-маърифий тадбирлари ўтказилаётганидан воқифсиз.

Шу муносабат билан 2025 йил июль ойининг биринчи ўн кунлигида бир гуруҳ зиёлилар билан Бекобод туманида бўлиб «Ҳар мактабга 100 китоб» шиори остида китоб тақдиротида қатнашдим. Туман халқ таълими бошқармаси бошлиғи Нодирахон Дўсматова фидойи, ўз касбини ардоқлайдиган ўқитувчилар туманда кўп эканлигини ғурур билан тилга олиб бизларни 25-сонли умумтаълим мактабига бошлаб борди.

Таълим масканида ўтказилган маънавий тадбирда бешта мактабдан келган ўқувчи ҳамда ўқитувчилар фаол катнашишди.

Ҳар қандай касаллик руҳиятдан танага кўчади. Тананинг давоси эса руҳни соғломлаштиришдан бошланади.

(Давоми 2-саҳифада)



«ЮМШОҚ КУЧ»ГА АСОСЛАНГАН ТАРҒИБОТ

Инсон яратган ҳар қандай ихтиро ибтидосидан тортиб интиҳосигача, яъни бугунги энг сўнгги авлод технологияларидан ҳам инсоният икки усулда фойдаланиш имкониятига эга.

Ижобий ва салбий. Ижтимоий тармоқлар ҳам худди шундай. Бугун биз усиз ҳаётимизни тасаввур қила олмайдиган ижтимоий тармоқлар ва жаҳон ахборот тизимлари ҳам шундай. Бир нарсага эътибор беришимиз керак. Ижтимоий тармоқлар бугун 10 йил олдингидан кўра зарарли.

(Давоми 3-саҳифада)



ОДДИЙ ФУҚАРО УЙИДА ЙЎЛБАРС САҚЛАМАЙДИ

Кўриладиган чоралар ҳам шунга яраша бўлиши керак

Интернет тармоқларидаги жаҳон мода саҳифаларида ва фотомодел йигит-қизларнинг суратларида ёввойи хайвонлар акс этган тасвирларга кўзингиз тушган бўлса керак. Кимдир кичикроқ илон, кимдир ёнида йўлбарс ёки тулки билан расмга тушиб, тармоққа жойлаган.

Қолаверса қадимий Рим империяси ҳаётига онд айрим кино-сериалларда юқори лавозимдаги мулозимлар ёки уларнинг арзанда фарзандлари уйда шер, йўлбарс ва яна шу каби ваҳший хайвонларни боқиши кўрсатилади.

(Давоми 4-саҳифада)



(Боши 1-саҳифада)

Рухият китобдан унинг манбаи бўлган сўз ва нутқдан шифо топади. Таълим ва тарбияда танаффус бўлмайди деган улғу фикрнинг қуввати ҳам шунда, аслида.

Кейинги тадбир 24 июль куни мухташам маданият саройида бўлиб ўтди. Залда жамулжам бўлган бекободлик зиёлилар, педагоглар ва мактаб директорлари бизларни очик чеҳра, табассум ва мамнуният билан қаршилашди.

Тадбирда Ўзбекистон Мудофаа вазирининг ватанпарварлик тарғиботи, маънавий-маърифий ишлар ва ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Олимжон Ўсаров, Қахрамон шоир Абдулла Ориповнинг рафикаси Ханифа опа Мустафоева ва кизлари Рухсора, Бизнесни ривожлантириш банкининг ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси, “Дўстлик” ордени соҳиби Шуҳрат Орипов, интеллектуал мулкни ҳимоя қилувчи Палатанинг маслаҳатчиси, юридик фанлари доктори, профессор Бобокул Тошев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирининг Давлат тилида иш юритиш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича маслаҳатчиси, истеъдодли шоир Дадахон Муҳаммадиевлар иштирок этиб ўз чиқишлари билан давра ахлини хушнуд этишди.

Тадбирни Бекобод тумани ҳокими Зайнилобиддин Низомиддинов кириш сўзи билан очиб пойтахтдан ташриф буюрган меҳмонларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Маҳаллий аҳоли вакиллари билан гаплашганимизда улар сал олдинроқ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директори, сенатор Абдусайд Кўчимов, адабиётшунос олим, профессор Қозокбой Йўлдошев, таниқли шоир Муҳаммад Исмоил, санъаткорлардан Шуҳрат Дарё ва Ғанишер Меликуловлар туманга ташриф буюришгани, мароқ билан суҳбатлашганларини чексиз фахр билан эслашди.

«Халқ денгиз бўлса, ёшлар унинг тўлкинидир.» Ҳақли эътироф. Ёшларга эътибор келажакка пойдевор. Бу борада Бекобод тумани мисолида айрим фактларга мурожаат қилиш эътиборга молик. Туманда истиқомат қилувчи 14-30 ёшгача бўлган ёшлар хатловдан ўтказилди. Маҳаллаларда “Ёшлар баланси”ни шакллантириш мақсадида, ҳар бир хонадонга кириб, ёшлар муаммолари ва қизиқишларини ўрганиш орқали қарийб 40 минг

нафар ёшлар бўйича маълумотлар электрон платформага киритилди. Туманда “Ёшлар дафтари”га киритилган 300 нафардан ортиқ ёшга амалий ёрдам кўрсатилди. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун “Ёшлар жамғармаси”дан салкам 1 миллиард сўм маблағлар сарфланди. Мазкур йил учун мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлардан келиб чиқиб, 673 нафар ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича “Ёшлар бандлик дастури” ишлаб чиқилди ҳамда ижрога қаратилди.

Таълим ва интеллектуал салоҳиятга эътибор доимий диққат марказида. Бекободдаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар мактабларида таълим сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, “Долзарб 90 кун” лойиҳаси доирасида “Ҳар мактабга 100 китоб” акцияси ташкил этилиб, ёшларнинг китобхонлик маданиятини шакллантириш ва билим олишга қизиқишини ошириш мақсад қилинди ва амалга оширилди. Бу орқали ёшларни эркин фикрлайдиган, маърифатли шахс сифатида тарбиялаш мақсад қилинган.

Алишер Навоий ҳазратларининг «Душман мақолоти – банг хаёлототи» деган ҳикмати замирида ҳам ана шу ҳақиқат бор. Ёт ғоя – ёв ғоя. У ўзининг таъсирчан сўзи билан ёшлар онгига салбий таъсир қилади. Натижада бош қарахт бўлиб, бангининг ҳолатига тушириб қўяди демоқчи Навоий ҳазратлари. Бунинг учун ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш турли тўғарақлар, спорт ўйинлари, энг муҳими, китоб мутолаасига жалб этиш ўринлидир.

Омманинг саводхонлиги, маънавияти китобга бўлган муносабат билан боғлиқ экани аён. Шавкат Мирзиёевнинг «Китоб ўқимаган одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажак бўлмайди» деган фикрлари мамлакатимиз тараққиётига дахлдор ўзак масалалардандир.

Жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда ёшлар ўртасида ма-

даният, санъат, спорт, Ай-Ти ҳамда китобхонлик йўналишида жами 225 маротаба турли мусобақалар ташкил этилиб, бу орқали 28 минг нафар ёшлар камраб олинди.

“Беш ташаббус олимпиадаси”нинг 2025 йилги мавсумига тумандаги 51 та маҳалладан 50 мингдан ортиқ ёшлар жалб этилди.

“Ёшлар дафтари” жамғармаси ҳисобидан тумандаги камбағал оилалар реестрига киритилган фуқаролар фарзандларига бериладиган ёрдамлар учун 1 миллиард сўм, ўзини-ўзи банд қилиш истагини билдирган ёшларга жами 10 миллиард сўм кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилган.

“Янгиовул”, “Кўкониё”, “Кўштамғали”, “Шова”, “Уяс”, “Найман” ва “Ачамайли” маҳаллаларида истиқомат қилувчи 40 минг нафардан зиёд аҳолини туман маркази билан боғлаш, ортиқча сарсонликни камайтириш мақсадида, Сирдарё дарёси устидан ўтувчи янги кўприк қурилиши жадал суръатларда давом этмоқда. Ушбу объект шу йилнинг кузида фойдаланишга топшириш режа қилинган ва туман марказига келувчи аҳоли учун 30 километр масофа қисқаради.

Туман маркази “Истиқлол” маҳалласидаги кўп қаватли уйлар олдида узок йиллардан бери қаровсиз ҳолда ётган бўш майдонда кўркам сайилгоҳ ташкил қилинмоқда.

Бу маскан ота-оналар ўз фарзандлари билан маданий ҳордик олишлари, ёшлар бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари, нурунийлар дилдан суҳбат қуришлари учун баҳаво, осуда ва хавфсиз жой бўлади.

Туман тарихида биринчи марта “Зафар” шаҳарчаси ҳамда “Истиқлол”, “Тулистон”, “Бўстон”, “Далварзин”, “Бобур Мирзо” ва “Янгибозор” маҳаллаларини камраб олган қиймати 53 миллиард сўм, узунлиги 41 километрлик оқова сув тизими қурилади. Оддий қилиб айтганда, туманда ота-боболаримиз узок йиллар орзу қилган канализация масаласи бағамом ҳал бўлади.

Тумандаги аҳолини қўллаб-қувватлаш, жумладан ёш оилаларни

замонавий уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида, “Боғишамол” маҳалласи ҳудудида кўп қаватли уйлардан иборат “Янги Ўзбекистон” массиви, замонавий тилда айтганда, Янги Бекобод Сити барпо этилади.

Ушбу массивда экобозор, истироҳат боғи, Ёшлар маркази, универсал спорт мажмуаси, нурунийлар ва аёллар марказлари, тижорат банклари каби кўплаб замонавий бинолар қад кўтаради.

Вилоят маркази ва пойтахтга ўқиш ҳамда ишлашга бораётган

ҚУЧОҚ ОЧИБ ХАЛҚ ИЧИГА БОРАЙЛИК...

аҳолига, жумладан ёшларга қулайлик яратиш мақсадида, “Тошкент – Нурафшон – Бекобод – Тошкент” янги автобус йўналишлари очилди.

Шунингдек, мухтарам юртбошимизнинг топшириқларига биноан, Нурафшон – Пискент – Бўка – Бекобод – Боёвут – Янгиер йўналишида замонавий тезюрар электр поезд ҳаракати яқин йилларда йўлга қўйилади. Туман аҳолисини, хусусан ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, ишлаб чиқариш ва саноат лойиҳаларини кўламини кенгайтириш мақсадида, қарийб 400 гектар майдонда “Бекобод” махсус иқтисодий зонаси ташкил қилиниб, 10 мингдан ортиқ доимий иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, 34 гектар майдонда “Ойбек” эркин савдо зонаси ва логистика маркази ҳам фаолият бошлайди ва бу ерда минг нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланади. Умуман, яқин 3 йил ичида Бекобод туманида ўнлаб йирик саноат корхоналари, юзлаб тадбиркорлик субъектлари, хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Буларнинг барчаси Янги Бекободнинг порлоқ истиқболдан нишондир, десак ўринли бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Бекободда ёшларга оид давлат сиёсатининг самаралари кўзга яққол ташланади. Бу жараёнда давлат идоралари, таълим муассасалари, маҳалла вакиллари ва энг аввало, ёшларнинг ўзи фаол иштирок этмоқда. Шу боис, ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларнинг манфаатларини таъминлаш орқали жамиятнинг ҳар бир соҳасида барқарорлик ва тараққиётга эришиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Бекободда янги ҳаво, янги ҳаёт, бошқача айтганда, Янги Ўзбекистон руҳи ва шуқухига монанд янги ҳаёт жонланиш яққол сезилмоқда.

Раҳимбой ЖУМАНИЕЗОВ,
профессор,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва
Журналистлар уюшмалари
аъзоси

«ЮМШОҚ КУЧ»ГА АСОСЛАНГАН ТАРҒИБОТ

(Боши 1-саҳифада)

Чунки, 10 йил олдин биз ундан фақат бирор маълумот ёки ахборот олардик ва эътиборли жиҳати, бизда яхши ва ёмон ёки тўғри ва нотўғри маълумот олиш имкони бор эди ва бу бизнинг ўзимизга боғлиқ эди. Бугун эса биз ўзимиз ички дунёмиздан келиб чиқиб эмас, балки бошқаларнинг тарғиботи қурбонига айланыпмиз. Аввалги “яхши”лар ҳам бугун бу тарғиботлар домига тортилмоқда. Содда ва тушунарли тилда айтсак, бугун ижтимоий тармоқларда инсон онги остини эгаллаш учун кураш жадаллик билан давом этмоқда. Бу курашда мағлуб қурашаётган томонларнинг бири эмас, аксинча маънавияти бўшроқ жамият бўлмоқда. Чунки, уларда маълумотни таҳлил қилиш қобилияти шаклланмаган. Бундай маълумотлар шундай ҳолда етказиб берилмоқдаки, худди уни синтез қилиш “шарт” эмасдек кўринмоқда. Авваллари маънавий полигонларни юзага келтириш учун матбуот ёки китоблардан фойдаланилар эди. Ушбу турдаги фаолиятни назоратга олиш имкони мавжудлиги қайсидир маънода маънавий хуружларни ҳам жиловлаш имкониятини берарди. Бугун эса аҳолининг кенг қатлами ижтимоий тармоқлардан фойдаланаётганлиги ва аудитория катта жамланганлиги сабабли бундай хуружлар майдони этиб ижтимоий тармоқлар танланмоқда. Ижтимоий тармоқларда эса қандай ғоя тарғиб қилинмоқда? Зарарланган қатлам қайси? Зарарланганлик даражаси қандай? Булар мавҳум ва аниқлаш ва чора кўриш имкони ниҳоятда чекланган. Шунинг учун ҳам ушбу майдон уларга фойдаланиш учун жуда қулайлик яратмоқда. Шахсий ҳаётда нима кийим кийишимиз, қаерда таомланишимиз, нимани ўқишимиздан тортиб хатто орзуларимизгача улар тарғибот орқали белгилаб бермоқда. Мисол учун биз улар бизга жозибатор қилиб кўрсатган ҳаётни орзу қилмоқдамиз. Улар бунга қандай эришмоқда, деган савол мени кўп ўйлантирди ва бунга озгина бўлса ҳам жавоб топишга ҳаракат қилдим.

Уларнинг устунлиги нимада?

Улар энг кучли психологлар, дизайнерлар ва медиа ёки шундай мутахассислардан иборат жамоа билан пухта ўйланган режалар асосида тизимли ишлайди. Улар қайси ранглардан фойдаланиш керак, қандай овоз тембрида гапириш керак, инсонларнинг қайси ҳиссиётларини

ўйнаш кераклигини — ҳаммасини ҳисобга олишмоқда. Хатто гормонлар ҳам ҳисобга олинган. Масалан, инсонда бахт гормонини ишлаб чиқарадиган дафамин, уни қандай ишлаб чиқариш кераклигигача пухта ўйланган. Аввал дафамин гармонни кўтарилади ва кейин исталган маълумотни онг остига синдириш осонлашади. Яна бир жиҳати, баъзи ғояларни синдиришда инсонлар жинсидаги гормонлар тўсқинлик қилади. Қатъиятни оширади. Эндиги мақсад шу гормонларни пастлатиш орқали қабул қилдириш йўли танланади. Бу эса ранглардан, овозлар ёки тасвирлардан фойдаланиб амалга оширилади. Масалан, медиа маҳсулотлар оч ранглар билан ишлаш ва овоз ёки мусиқани сокинлатиш билан бойитилса, қатъиятлилик пастлайди. Мана шундай тарғибот усулларидан фойдаланиш бугун кенг тарқалмоқда. Бундай тарғибот ижтимоий тармоқларда рақамли тарғибот ҳисобланади. Ижтимоий тармоқларда тарғибот — бу маълум бир ғоя, маҳсулот, хизмат ёки ташаббусни оммага ет-

Яна бир жиҳати, баъзи ғояларни синдиришда инсонлар жинсидаги гормонлар тўсқинлик қилади. Қатъиятни оширади. Эндиги мақсад шу гормонларни пастлатиш орқали қабул қилдириш йўли танланади. Бу эса ранглардан, овозлар ёки тасвирлардан фойдаланиб амалга оширилади. Масалан, медиа маҳсулотлар оч ранглар билан ишлаш ва овоз ёки мусиқани сокинлатиш билан бойитилса, қатъиятлилик пастлайди.

казиш ва уни қўллаб-қувватловчилар сонини кўпайтириш мақсадида Facebook, Instagram, Telegram, Tik Tok, YouTube каби платформаларда олиб бориладиган фаолиятдир. Бу тарғибот бевосита реклама ёки пропаганда эмас, балки одамнинг онгига билмасдан таъсир ўтказишга қаратилган, пухта режалаштирилган ахборот стратегиясидир. Бу жараёнда фойдаланувчининг эътиборини жалб қиладиган, лекин асл мақсади яширин бўлган контентлар қўлланилади. Кўпинча, бу турдаги тарғибот “одатий пост”, “оддий тавсия”, “мем” ёки “тренд” шаклида берилади. Ёшларни ҳиссиёти ва қизиқишлари ҳисобга олинганлиги, ўша ғояни қабул қилшга мажбурлаб эмас “хоҳиш” эвазига қабул қилдиради. Бу тарғиботда “Юмшоқ куч” саналади.

Хавф нимада?

Яширин тарғиботнинг хавфи шундаки, фойдаланувчи ўз фикри-

ни мустақил шакллантираётганман ва бошқараётганман деб ўйлайди, лекин аслида бошқалар томонидан йўналтирилган фикрни бошқараётган бўлади. Бу эса ижтимоий онгни бошқариш, ёшлар орасида анъанавий қадриятларнинг емирилиши, миллий бирликка путур етказиш ва сиёсий манипуляциялар каби оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳақли савол туғилади: Маънавиятга қарши ғояларни синдириш учун бундай ишларни қилиш нега керак?

Бундан кўзланган асосий мақсад ядровий полигон бўладими,

шарқона қарашларимиз ва диний қадриятларимиз бор.

Бунга бизнинг юқоридаги қарашлар уйғунлашган маънавиятимиз қаршилик қилади. Ва улар мана шу маънавиятимизни бузиб кириши керак. Бу қандай амалга оширилади? Албатта, кўшиқлар, видеолар, кинолар ва ҳар турли медиа маҳсулотлари кенг жорий қилинган маънавий полигонлар ҳосил қилиш орқали.

Ечим йўллари

Ушбу муаммоларга ечим фақат жамиятнинг, инсонларнинг ўзлари ечимни хоҳлашида. Чунки, ёт ғоялар мажбурий шакллантирилган “хоҳиш” устига қурилган. Маълумотларни анализ-синтез қилиш қобилиятини ошириш энг устувор мақсад бўлиши лозим. Ушбу кўникмани шакллантириш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан: Ахборот саводхонлигини ошириш: Ҳар бир фойдаланувчи интернетдаги ҳар бир маълумотни танқидий фикр билан қабул қилишга одатланиши керак.

Иккинчидан: Ҳар қандай маълумотга исбот талаб қилиш: Факт, видео ёки расм, медиа контент — бу ҳақиқат дегани эмас. Унинг манбаси, контексти ва мақсадини таҳлил қилиш лозим.

Маънавият соҳасида фаолият юритаётган ташкилот ва соҳа мутахассислари эса анъанавий тарғиботдан замонавий, таъсир майдони ва қуввати юқори бўлган рақамли тарғиботга ўтиши ва маҳсулотларини тизимли ишлаб чиқариши лозим. Бундай медиа маҳсулотларни яратишда соҳасини ҳақиқий мутахассислари бўлган дизайнерлар, психологлар, жамиятшунослар, тарихчилар билан ишлаши тавсия этилади.

Жамиятдаги бундай ғоявий хуружларнинг олдини олишимиз керак. Чунки, биздан кейинги авлодларга соғлом ва етук жамият қолдиришимиз лозим.

Исломжон ТЕМИРОВ





(Боши 1-саҳифада)

ОДДИЙ ФУҚАРО УЙИДА ЙЎЛБАРС САҚЛАМАЙДИ

Кўриладиган чоралар ҳам шунга
яраша бўлиши керак

Шу боис бу каби ҳаракатлар қандайдир ҳашамдорлик, қудрат белгиси сифада талқин қилина бошланган бўлса керак. узокқа бормаймиз. Бугун ўзимизнинг Ўзбекистонда ҳам ўз хонадонидан ёввойи жониворларни боқишга уринаётган, буни ҳаммага кўрсатиб, мақтаниш учун улар билан турли ҳаракатларни амалга ошириб. Тармоқларга тарқатаётганлар урчимокда. Бири менинг айиқ билан жанг қилишимни кўринг деб, думалоқ отса, бири шернинг писиб ҳамла қилишини кўрганмисиз деб ваҳший жониворга орқа ўгириб туради. Майли, буни ҳам мактанчокликка йўйиб, тўғри тушуниш мумкин. Аммо уйда бўлма илон (питон) боқилиши нима фойдаси бор экан?

Тўғри, интернетга олиб чиқилаётган бу ёввойи жониворлар маълум миқдорда қўлга ўрганган, эгасига зиён етказмайди дейиш мумкин. Бироқ қарах илон ўзига келса, эгасини ҳам аяб ўтирмай бўғиб қўймаслигига ким қафолат беради. Бу масаланинг бир томони. Бошқа томони эса мактанчок бу одамлар бунақанги жониворларни қаердан олиб келиб. Қандай тартибда уйда боқяпти. Қонунчи-

лик палатаси томонидан 2024 йил 19 декабрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2024 йил 21 декабрда маъқулланган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида айрим турдаги ёввойи ҳайвонларни жисмоний шахслар томонидан сақлашга оид тақиқ қатъий белгиланган.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ярим эркин шароитларда, сунъий яратилган яшаш муҳитида ёки тутқунликда сақланиши тақиқланган ёввойи ҳайвонларни жисмоний шахслар томонидан сақлаш ва одамларнинг соғлиғига, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етказганлик учун жавобгарлик белгиланиши, шунингдек ҳайвонларни сақлаш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартиришлар киритилган бўлиб, ушбу Қонун сақланиши тақиқланган ёввойи ҳайвонларнинг қонунга хилоф равишда сақланишининг олдини олишга, уй ҳайвонларини сақлаш тартибда назарда тутилган талабларга риоя этилишига ҳамда аҳолининг ҳавфсизлигини таъминлашга

хизмат қилиши айтилади. Демак бу ҳаракат қонунчиликка зид бўлиш билан бирга ён атрофдаги одамларнинг ҳам ёгини ҳавфга қўйиш ҳисобланади. Шундай экан қандай қилиб, интернетда бу бемалол намоёиш этилмоқда?

Ахир ўткан йиллар мобайнида бу каби ҳаракатлар туфайли бир неча бор аянчли ҳолатлар юзага келганининг гувоҳи бўлдик. 2022 йилда ёввойи ҳайвонларнинг одамларга ҳужуми билан боғлиқ 2 та ҳолат қайд этилган. Хусусан, 2022-йилнинг 7-апрел куни Тошкент вилоятида шер боласи 3 ёшли болага ҳужум қилиб, оғир жароҳат етказган. Ўрмон ва ёввойи табиатга яқин ҳудудда жойлашган ҳорижий шаҳарларда эса тез-тез бундай кўнгилсизликлар кузатилаётгани тўғрисидаги хабарларни ўқишнинг мумкин. Наҳот булар одамларни оғохликка ундасамас?!?

Жорий йил 5 май куни Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Бош прокуратура томонидан Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудида ёввойи ҳайвонларни ноқонуний сақлаш билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилиб, Тошкент вилояти ҳамда шаҳар ҳудудидаги питомниклар ҳамда ёввойи ҳайвонларни тутқунликда сақлаш жойларида 9 турдаги 80 дан ор-

тиқ сут эмизувчи ҳайвонлар ва паррандалар, жумладан, 4 дона Африка шерлари рухсатномадан ташқари, ноқонуний сақлаб келинаётганлиги аниқлангани, ушбу ҳайвонларнинг бир қисми белгиланган тартибда сақлаш учун Тошкент шаҳар ҳайвонот боғига топширилгани, қоидабузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилгани тўғрисида хабар берилган эди. Бироқ орадан ҳеч қанча вақт ўтмай яна мана шундай ҳолатлар кузатилаётгани ачинарли.

Ҳаммамизга маълумки, жонзотлар учун энг зарурий эҳтиёж — бу озуқа. Аммо ёввойи ҳайвонлар учун муҳим бўлган яна бир эҳтиёж — бу уларнинг табиий муҳитида, эркин яшашидир. Айтмоқчи бўлганимиз уйда ёввойи ҳайвонларни боқиш нафақат инсонлар ҳавфсизлиги, шунингдек ёввойи жониворларнинг ҳам нобут бўлишига олиб келиши мумкин. Қанча яхши парваришланса-да, тутқунликда сақланиши барибир ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Шунга қарамай, амалда бундай ҳолатларнинг давом этаётгани — жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Ёввойи ҳайвонлар сонининг камайиб бораётгани, уларнинг табиий муҳитдан узилиши экологик мувозанатга путур етказилиши ҳамон англамаяпмиз.

Яна бир бор таъкидлаймиз: оддий фуқаро уйда йўлбарс сақламайди. Демак, бундай ноқонуний сақлаш ҳолатлари ортида кўпинча кўз-кўз қилиш, ҳашамдорлик ва ноқонуний манфаатдорлик ётади. Шу боис, бундай ҳолатлар учун белгиланиши лозим бўлган жарима ва жазолар ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Қамолитдин РЎЗИМАТОВ
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

ҲАЙВОНОТ ДУНЁСИНИ АСРАШ — БУРЧИМИЗ

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида 2025 йилни юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилгани Янги Ўзбекистонда она табиатни асраб-авайлаб, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

“Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, қўпайтириш ва кейинги авлодга етказиш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлаш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Ўзбекистон табиатининг биологик ва ландшафтлар хилма-хиллиги миллий бойлигимизнинг ажралмас қисмидир. Мамлакатимизнинг Асосий қонуни Конституциямизнинг 68-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”, дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасини тартибга солишга қаратилган. Бироқ мамлакатимизда ҳайвонот дунёсидан хўжасизларча, ноқонуний, мақсадсиз фойдаланиш, унга зарар етказиш билан боғлиқ ҳолатлари учраб турибди. Мисол тариқасида Сурхондарё вилоятида содир бўлган ноқонуний ов билан боғлиқ ҳолатни келтириб ўтишимиз мумкин.

Сурхондарё вилоятидаги “Сурхон” давлат қўриқхонасида экологик ҳуқуқбузарлик фош этилди. 2025-йил 5-июл куни қўриқхонанинг «Хатак» бўлими, «Олтиқунлик» массивида ўтказилган рейд чоғида Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган икки бош бурама шохли эчки — морхўр ноқонуний равишда овлангани аниқланди. Аниқланишича, мазкур ҳуқуқбузарликни Шеробод тумани “Катта

ҳаёт” маҳалласида яшовчи Х.Ш. ва Ш.Ж, шунингдек, “Вандоб” маҳалласида яшовчи В.М. содир этган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасини трансформация қилиш ва ваколатли давлат органи фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-81-сон Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонларнинг ноқонуний овланиши оқибатида ҳайвонот дунёсига етказилган зарар учун ундириш суммаси 10 баравар қилиб белгиланган. Бунга кўра, икки бош морхўрни овлаш давлатга 1,5 миллиард сўм миқдорда зарар етказган бўлса, бу миқдор 3 баробарга оширилган ҳолда 4,5 миллиард сўмлик экологик зарарга тенг деб баҳоланди. Бурама шохли эчки, яъни морхўр — Ўзбекистон ҳамда халқаро Қизил китобга киритилган, жуда кам учрайдиган, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ноёб ҳайвон тури ҳисобланади. Уни овлаш Ўзбекистон Жиноят кодексига мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Мазкур ҳолат бўйича барча ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга топширилди.

Бундан ташқари Сирдарё вилоятидаги ҳолатни ҳам келтириб ўтишимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Давлат экологик назорат инспекцияси, ДХХ чегара қўшинлари тезкор ходимлари, Сирдарё вилоят прокуратураси ҳамда вилоят ИИБ ЖКБ тезкор ходимлари ҳамкорлигида навбатдаги тезкор рейд тадбири ўтказилди. Сирдарё тумани “Шоликор» СИУ ҳудудида ўтказилган рейд давомида Сирдарё дарёсининг ушбу ҳудуддан оқиб ўтувчи қисмида фуқаролар Б.Х. ва Н.А. томонидан таъқиқланган ов қуроли, яъни электр қармоқ ёрдамида балиқ овланганлиги аниқланди. Ҳуқуқбузарлар турли хилдаги жами 79 дона балиқ ҳамда ов қуролларини ўзларининг бошқарувида бўлган транспорт воситасига ортиб, Тошкент

вилояти Чиноз туманида жойлашган “Чиноз балиқ бозори”да сотмоқчи бўлишганида давлат инспекторлари томонидан тўхтатиб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Экологик партия ва жамоатчиликнинг ҳайвонларга ов қилиш учун рухсатномалар беришга мораторий жорий қилиш бўйича 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарор лойиҳасини киритган эди.

Бироқ ҳозирги кунга қадар ушбу қарор лойиҳасининг тақдири ноаниқлигича қолмоқда. Агар ушбу қарор лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинадиган бўлса мамлакатимиздаги ҳайвонот дунёсининг барқарорлиги ҳамда ёввойи ҳайвонларнинг генетик фонди сақлаб қолинган бўлур эди. Ҳайвонларга ов қилиш учун рухсатномалар беришга мораторий эълон қилиш амалиёти қўшни Қирғизистон Республикасида ҳам амалга оширилаяпти. Хусусан, айрим ҳайвонот турларини овлашга 10 йил мораторий эълон қилишни амалга ошириш арафасида турибди. Бундан ташқари Европа иттифоқи ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари жирафа, фил ва каркидон ҳайвонларини ов қилишга мораторий эълон қилиш ташаббуси билан чиқишди. Японияда ҳам 1986 йил китларни ов қилишга 30 йил мораторий эълон қилинганлигини келтириб ўтишимиз мумкин.

Юқоридагилардан кўрииб турибдики, бошқа мамлакатларда ҳам ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Таклиф қилинган қарор лойиҳасини қўллаб қувватлаган ҳолда шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, қарордан кўзланган асосий мақсад юртимизда экологик қонунчиликни такомиллаштириш, биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва қўпайтиришдан иборатдир.

Р. КЕНЖАЕВ,

Тошкент давлат юридик университети
Экология ҳуқуқи кафедраси профессори



ОЧИҚЛИК ВА ҲАЛОЛЛИК — ОДИЛ СУДЛОВ КАФОЛАТИ

Коррупция – бу мансабдор шахснинг ёки лавозим эгасининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб, шахсий ёки бегоналарнинг манфаатлари йўлида қонунга зид равишда моддий ёки номоддий наф кўришга қаратилган ҳаракатдир. Фуқаролик ишлари бўйича судларда коррупция ҳолатлари кўпинча порахўрлик, қариндош-уруғчилик (непотизм), иш юритишга ноқонуний аралашув, шунингдек, тарафлардан совға ёки бошқа кўринишдаги манфаатларни қабул қилиш шаклида намоён бўлиши мумкин.

Бундай вазиятларда, масалан, судья ишда иштирок этаётган томонлардан бирининг яқинига алоқадор ҳолатда ҳолисликни йўқотиб, қарорини адолатсиз чиқариши, зарур ҳужжатларни сунъий равишда яшириши ёки даъвогар ва жавобгар ҳуқуқларининг тенг-01лигига путур етказадиган ҳаракатларга йўл кўйишига олиб келиши мумкин. Бу каби ҳолатлар эса фуқаролик процессида муҳим ҳисобланган қонун олдида тенглик, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва одил судлов принципларига бево-сита зид бўлиб, нафақат конкрет суд ишининг адолатли ҳал қилинишига, балки бутун суд тизимига бўлган ишончга салбий таъсир кўрсатади.

Суд – бу адолат мезонига хизмат қилувчи мустақил ҳокимият органи саналади. Ўзбекистон Рес-01публикаси Конституциясига мувофиқ, суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади. Судьяларнинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, тарафларнинг қонуний манфаатларини суд орқали самарали ва ишончли ҳимоя қилишдан иборат. Улар суд жараёнида иштирок этаётган шахсларнинг шаъни ва ҳуқуқларига ҳурмат билан ёндашиб, ҳар бир ишни қонунийлик, ҳолислик ва адолатлилиқ тамойилларига риоя қилган ҳолда кўриб чиқишлари лозим. Фуқаролик процессуал кодексига ҳам бу борада аниқ талаблар белгилаб берилган: судья ҳар қандай қарорни фақат қонунда кўзда тутилган далиллар асосида чиқариши шарт. Қолаверса, рад этилган ҳар қандай далил ёки ҳужжатнинг нега ҳисобга олинмаганини суд асослаб кўрсатиши мажбурийдир. Бу одил судловнинг ҳуқуқий кафолатларидан биридир ва судга бўлган ишончни мустаҳкамловчи муҳим омил ҳисобланади.

Очиқлик ва шаффофлик — коррупцияга қарши курашишда энг самарали тамойиллардан биридир. Айниқса, суд тизимида бу қадриятларнинг устуворлиги нафақат адолатли судловни таъминлайди, балки жамоатчилик ишончининг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Фуқаролик процессуал ко-

дексига белгиланишича, суд мажлислари одатий ҳолатда ошқора ўтказилиши лозим. Бу эса тарафлар ва фуқароларга суд жараёни қандай кечаётганидан хабардор бўлиш, суд қарорларининг асосланганлигини кузатиш ва улар устидан қонуний баҳо бериш имконини яратади. Айниқса, суд қарорларининг мажлисда эълон қилиниши ҳамда муайян ҳолларда уларнинг расмий интернет ресурсларида, анонимлаштирилган шаклда эълон қилиниши, суд тизимида шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминловчи муҳим воситадир. Шу нуқтаи назардан, бошқарувда очиқлик — коррупциянинг олдини олиш тамойилининг ажралмас қисми сифатида қонунларда мустаҳкам белгиланган. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда очиқлик, шаффофлик ва жамоатчилик назорати асосий принциплар сифатида эътироф этилган.

Бугунги кунда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, хусусан, рақамлаштириш жараёнлари бу тамойилларни амалиётга изчил жорий этишга қаратилган. Мисол тариқасида, «ЭХСУД» каби электрон платформаларнинг жорий қилиниши натижасида фуқаролар судга мурожаат қилиш, иш ҳолатини онлайн кузатиш, суд қарорлари билан танишиш ва ҳатто суд мажлисида масофадан туриб иштирок этиш имкониятига эга бўлишмоқда. Бундай рақамли имкониятлар коррупциявий хавфларни камайтириш, норасмий аралашувларнинг олдини олиш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнида инсон омилининг таъсирини пасайтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, бу орқали одил судлов тамойиллари мустаҳкамланади.

Судьяларнинг ҳалоллиги ва одоб-ахлоқи – суд тизимида коррупцияга қарши барқарор иммунитет ҳосил қилувчи энг муҳим омиллардан биридир. Айнан судья шахсининг поклиги, виждонига садоқати ва хизмат бурчига садоқати фуқаролар ишончини таъминлайди. Шу боис, судья ўз фаолиятини фақат қонун доирасида олиб бориши, вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариши, ҳар қандай шахсий ёки бегоналарнинг манфаатларини ўз қарорларига аралаштирмаслиги шарт. Бу талаблар нафақат қонунларда, балки ахлоқий меъёрларда ҳам ўз ифодасини топган.

Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексига кўра, агар судьяга нисбатан ҳар қандай босим ёки ноқонуний йўналишлар бўлса, у бундай ҳолатлар ҳақида бевосита масъул ташкилотларга – масалан, Судьялар олий кенгашига ёки Олий судга зудлик билан хабар бериши шарт. Бу - қонунчиликда аниқ кўрсатилган мажбуриятдир ва у судья мустақиллигини ҳимоя қилишга қаратилган.

Бундан ташқари, ҳар бир судья қонуний фаолиятни бошлашдан олдин судьялар қасамёдини бажаради. Ушбу қасамёда у ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат Конституция ва амалдаги қонунларга асосланган ҳолда амалга оширишга, ҳар қандай таъсирдан холи, ҳолис ва адолатли бўлишга тантанали ва қатъий равишда сўз беради. Бу сўз – судья учун шунчаки маросим эмас, балки умрбоқий принципга айланиши лозим бўлган мажбуриятдир. Судьялик фаолиятда қатъият, принципааллик ва ҳалоллик – шахсий фазилатлар сифатида эмас, балки қонуний талаб сифатида баҳоланади.

Замонавий суд тизимида технологик ёндашувлар коррупциявий хатарларни камайтиришда муҳим роль ўйнайди. Аввало, суд таркибини автоматлаштирилган ахборот тизими орқали шакллантириш зарур. Яъни, ҳар бир ишга суд залидаги ходим-

лар эмас, электрон тизим орқали тенг асосда судлар тайинланади ва манфаатдор шахсларнинг таъсири истисно қилинади. Бундан ташқари, суд мажлисларида масофавий видеоконференция алоқа имкониятлари кенгайтирилиб, фуқароларга ўз ишларини уйдан ёки бошқа жойдан назорат қилиш имконияти яратилди. Булар судга ишончни оширишга хизмат қилади, тизим очиқлигини мустаҳкамлайди.

Фуқаролик иши юритилишида одил судлов асослари ҳам қонунларда батафсил кўрсатилган. Жумладан, Фуқаролик процессуал кодексига “фуқаро ва ташкилотларнинг жинси, ирқи, тилидан қатъий назар, қонун ва суд олдида тенглиги”да иш юритилиши таъкидланади. Тарафлар тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги ҳам муҳим принцип сифатида қайд этилган. Суд қарори фақат суд мажлисида текширилган далиллар асосида чиқарилиши лозим ва ҳар қандай қарор асосланган бўлиши талаб этилади. Суд таркибида тўқнашувлар олдини олиш бўйича ҳам қонуний механизмлар мавжуд.

Фуқаролик судларида коррупциявий хавфларни камайтириш учун бир қанча кўшимча чора-тадбирлар ҳам долзарб ҳисобланади. Жумладан, судьяларнинг маош ва мулк декларациялари ҳам жамоатчилик назоратига очиқ бўлиши, уларга коррупцияга қарши махсус таълим ва маънавий тарбия бериш таъминланиши лозим. Судьяларнинг иш фаолиятида коррупция фактлари аниқланганда кечиктирмай чора кўрилиши, жиноят ва маъмурий жавобгарликлар қўйирилиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик судларида коррупциявий хавфларни камайтириш очиқлик, ҳалоллик ва технологик ёндашувнинг уйғун қўлланилиши билан бевосита боғлиқ.

**Гулҳаё ЖУМАЕВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Шайхонтохур туманлараро суди
судьяси.**

“Чумчудан кўрққан тарик экмайди” – дейди доно халқимиз.

Маънавий-маърифий ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш бўйича Наманган тажрибасини яратиш масаласи кўтарилганида дастлаб шу хусусда ўйладик: маънавий-маърифий тарғибот борасидаги саъй-ҳаракатларимиз, тарғибот жараёнида қўлланилаётган инновацион технологиялар жадид боболаримиз ишининг рамзий давомидир.

Тарғибот жараёнидаги муҳим омил мунтазамлилик ва, албатта, ранг-барангликнинг таъминланишида. Агар мақсадларимизнинг самарадорлигини белгилаб олмас эканмиз, шижоат ва ғайратимиз оқсаб қолиши ҳеч гапмас.

Тўғри, ижтимоий тармоқлардаги инновацияларнинг, сўнги русумдаги компьютер имкониятлари олдида улардан-да ўтиб жозибдорроқ бирор ишни қойиллатиб қўйиш ва уни кўпчиликка намуна қилиб кўрсатиш катта жасорат бўлиб қолди. Бугун сунъий интеллект билан мактаб ўқувчисидан тортиб, зиёлиларгача тиллашаётган бир вақтда Навоийни ўқиш ва уқиш ибораси “Навоий тили” дек мураккаб туюлиши мумкин. Бироқ Ҳазратнинг салкам олти аср наридани туриб:

Тухум ерга кириб чечак бўлди,

Қурт жондан кечиб ипак бўлди.

Лола тухмича ғайратинг йўқму?!

Ипак қуртича ҳимматинг йўқму?!

-дея қилган хитобини тушуниш ва англаш учун инсондан катта заковат талаб қилинмайди: борингки, ўзини англаши, мудроқ ҳаёлларини уйғотиши, толиққан вужудини шижоатга қақриши керак, холос.

Қиш чилласида совуқни, саратонда иссиқни баҳона қилиб, олимликни даъво қилса-да, зиё сочишни одат қилмаган, маърифатпарварликни бурч, деб билмайдиган зиёлилар, мутолаа учун қўлига китоб олмайдиган ёки олган китобини охирига етказмай нари суриб қўядиган ота-оналар, ўқиш-ёзишда дангаса томири тортиб, ўйин-кулгуга оғиб кетадиган ёшларнинг ўзини Ватан учун, унинг тараққиёти учун янги мақсад сари чоғланиши бир ҳиммат эмасми?!

Яна Наманган тажрибасига қайтсак: шахсий кизиқишларимиз ва вазифаларимиз нуктаи назаридан вилоятимизнинг зиёлилари билан тез-тез учрашиб турамыз, имкон топдик, дегунимизча, улар билан мириқиб суҳбат курамыз. Келинг, сизга бир шингил наманганлик зиёлиларнинг ҳиммати ҳақида айтиб берай.

Зукко ва ўзига талабчан олим Бахтиёр Исҳоқовнинг наинки марказий нашрлар, балки турли вилоятларда чоп этиладиган газета-журналларни ҳам мунтазам ўқиб бориши ва ўқиганларини ўзгаларга фикр-мулоҳазалари орқали улашиши ортидаги фидокорлиги мени ҳамиша лол қолдиради. Мутолаанинг завқини туюш бошқача. “Газеталар шарҳи” телеграм каналига мақолаларни ўқиш билан бирга Бахтиёр аканинг ўзи ўқиган мақолаларга билдирган муносабатларини ўқишлари ва ҳайратларини яширолмасликларини кўриб, кичик изоҳлар майдонидаги улкан тафаккур уммонида сузаётгандек ҳис қиламан ўзимни.

Оташин шоир, моҳир таржимон ва драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллигини ўтказиш жараёнидаги ўта фаоллиги туфайли “Усмон Носирга қариндош экан!” деган эътирофлар билан сийланган жонкуяр журналист Раҳимжон Ирисов яқинда “Наманган вилояти жой номларининг изоҳли луғати” китобини сифатли чоп

этириш мақсадида бир муддат Азим Тошкентда бўлган вақтларида босма-хона ишларидан бироз қўли бўшаган вақтлари “Минор” қабристонидagi мархумларни йўқлаб, у ерда мангу кўним топган наманганликларни аниқлабди. Раҳимжоннинг Наманган вилоятининг собиқ ҳокими Тўлқин Жабборов, таниқли ёзувчи Дадахон Нурий, Зулфия номидаги давлат муко-

ИПАК ҚУРТИНИНГ ҲИММАТИ ёхуд жамиятда зиёлилар овозининг садоси ўзгача янграйди

фоти совриндори бўлган қизларимиз ва бошқа кўплаб ҳамшаҳарларимизнинг қабрларини зиёрат қилганлигини эшитиб, тўғриси, жуда чуқур ўйга толдим: япон миллатига мансуб инсонларда қасрга бормасинлар, япон аскарлари қабрларини, хотираларини зиёрат қилишдек олижаноб одатлари борлигини эшитганман. Бу инсон қадрини билан боғлиқ катта маънавият аслида. Аммо ҳамшаҳрим Раҳимжоннинг ушбу саъй-ҳаракати мен учун, ҳар бир ҳамюртимиз учун алоҳида бир сабоқ бўлишга арзигулик.

Шоир ва ёзувчи Бокий Мирзо 100 дан зиёд наманганлик меҳнат фахрийлари ҳақида “Оху соясида бир лаҳза”, “Юрт бўйлаган одамлар”, “Киприкдаги марварид”, “Орта қолган из яхши”, “Фидойилар мадҳи” номи остида очерклар ёзиб, чоп эттирди. У киши сўнги юз йилликда Наманган вилоятида яшаб, фаолият юритган, халқ эътиромига сазовор бўлган меҳнат қаҳрамонлари билан боғлиқ маълумотларнинг, ибратли ҳаётий лавҳаларнинг энг яхши билимдони сифатида ҳурмат қозонган.

Республика Маънавият ва маърифат марказининг раҳбари Отабек Ҳасановнинг маърифат тарғиботчилари билан учрашувда сўзлаган нутқларидан келтирилган куйидаги гаплар ҳам зиёлиларнинг жамиятдаги овози нечоғли муҳимлигини кўрсатади: “Бугун жамиятда ёшларни тарбиялаш, уларнинг Ватан тараққиёти ёлида дахлдорлик билан яшаши, умуминсоний фазилатларини ривожлантирмакчи бўлсак, зиёлилар, албатта, энг олдинги сафга чиқиши шарт. Қайта ва қайта барчамиз замоннинг тезкорлиги, шиддати ва шу билан бирга, хавфлари ҳақида айтмоқдамиз.

Бундай таҳликалар ичида барчани уйғоқ фикрлари, эзгу қарашлари ортидан эргаштирувчилар ҳам миллат ойдинлари бўлиши керак”.

Орамизда яшаётган, ҳар куни кўзи кўзимизга тушадиган, истарасидан маърифатпарварлик ёғилиб турадиган бой инсонлар учун элнинг дуосини олишининг ўзи катта эътибор ва эътироф аслида. Бироқ улар қилган, қила олган ҳимматларини тилга олиш, таъкидлаш маънавий оламини тарғиб этиш биз учун ҳам фарз, ҳам фарздир. Юртнинг шаъни-шарафи шундай шижоатли фарзандлари билан юксалишини, фарзандларининг ғурури эса юртининг номи билан юксалишини хис этади киши.

Дарвоқе, ютуқлардан қувониш нақадар завқли бўлса, муаммолардан



тушқунликка тушиш, руҳан чўкиб қолиш шу қадар оғриқлидир. Мавжуд улкан потенциалга параллел равишда шафқатиз ҳақиқат ҳам борки, биз уни ҳам тан олишга мажбурмиз. Маърифат дарёси мавж ураётган соҳилларда ҳаёт суратини кумга чизишдан иборат, деб билмайдиган, ўз тақдири, Ватанининг тақдирига лоқайд, билим олишни, касб-хунар ўрганишни истамаслиги ортидан ўзининг, жамиятнинг ривожланишига ҳисса қўшишни истамайдиган, ҳис қилмайдиган ҳамюртларимиз, айниқса келажак эгалари бўлмиш ўғил-қизларимиз борлиги ниҳоятда ачинарлидир.

Хўш, ушбу муаммоларни ечишда, кўнгиларни хижил қилувчи бўшлиқларни тўлдиришда нима сабабдан қалби уйғоқ фикр етакчиларининг имкониятларидан фойдаланмаслигимиз керак?! Катта дарёдан бир томчи бўлса-да, наманганлик зиёлилардан ҳам ўрнатилган фазилатларни ўзлаштиришимиз айни муддао эмасми?!

Ҳа айтганча, зиёли, маърифатпарвар шахсни миллат тарбиячиси сифатидаги ролини оширишга, турли муаммоларга ечим топишда уларнинг иштирокини янада кенгроқ камраб олишга қаратилган долзарб ўнқунлик тарғибот тадбиримиз ҳам Наманган тажрибасидан ибрат бўла олади. Ҳар чорак аввалида вилоятимизда ўтказиладиган ушбу тарғибот тадбири бугунги кунда кўплаб зиёлиларимизни жонкуярликка чорламоқда.

“Долзарб 90 кун” деб номланган тадбирларимиз доирасида бугунги кунга қадар вилоятдаги мавжуд 754 та маҳаллада, 716 та умумтаълим мактабда, 618 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида, 9 та олий таълим

муассасаси ҳамда 60 дан ортиқ корхона-ташкilotларда “Маърифатли шахс – миллат тарбиячиси” ғояси остида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Наманган тажрибасининг ташқи тарғибот соҳасида амалга оширган ишларига алоҳида тўхталсам: вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари, маърифат тарғиботчилари — умуман бир гуруҳ жонкуярлар иштирокида корхона-ташкilot, маҳалла, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бир сўз билан айтганда, аҳоли доимий гавжум бўладиган жойлардаги биноларнинг кириш қисми, ташқи фасад қисмларига “Ассалому-алайкум!”, “Маърифатли шахс – миллат тарбиячиси”, “Ватанни севмоқ иймондандир!”, “Ватан — она каби муқаддасдир!”, “Илмдан бошқа нажот йўқ”, “Янги Ўзбекистонни интеллектуал ёшлар қуради” каби миллий кадриятларимиз, ватанпарварлик ғояларини, йил номидан келиб чиқиб, эзгу ҳаракатларга чорловчи 1 760 та панно, баннер, бильбордлар ўрнатилди.

Кунма-кун белгиланган мавзуларда вилоятдаги мавжуд 754 та маҳаллада, 716 та умумтаълим мактабда, 618 та давлат мактабгача ва мактаб ташкilotида, 9 та олий таълим муассасаси ҳамда 60 дан ортиқ корхона-ташкilotларда “Маърифатли шахс – миллат тарбиячиси” ғояси остида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

1530 та ана шундай тадбирларимиз 115 нафар фахрий, 160 нафар нуруний, 230 нафар устоз-мураббийларни ибратли ҳаёт кечирганлари учун, 205 нафар ёшларни фан ва спортнинг турли йўналишларида ғолибликни қўлга киритганлари учун тақдирлаш, уларга миннатдорлик билдириш имконини берди. Айниқса ёшларимизни янгидан-янги мақсадлар сари олға боришлари учун руҳлантиргани шубҳасиз.

Айни пайтда Республика Маънавият ва маърифат марказида ҳам “Зиёлилар овози: жамият тараққиёти масалаларига оид нуктаи назар” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида кўзга кўринган ҳамюртларимизнинг илғор фикрлари ўрганилиб, маърифатпарварлик йўлидаги ҳамфикрлик вужудга келтирилган маънавий юксалиш сари зиёлиларнинг муҳим яна бир кадам қўяётганидан далолат беради. Бундай лойиҳалар мамлакат тараққиёти йўлида кўплаб илғор фикр етакчиларини уйғун фикрлашга чорлаши билан бирга уларнинг зиммасига ўзига хос шарафли вазифаларни юклайди.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш ҳақида куйиниб гапирарканмиз, бунёдкорлардан бири бўлишни мақсад қилайлик, ҳикматларга тўла ҳаётдан ибрат олайлик, қалбимизни уйғотиб, хайирли ишларга қўл урайлик. Сўзимнинг сўнгида эса зиёли Ватандошларимга мурожаатим: ҳиммат қилайлик, ҳиммат қилайлик!

Мусахон АППАҚОВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази Наманган
вилоят бўлими раҳбари, “Шухрат”
медали соҳиби

Ҳаломлик билан яшаш гашти

Менинг қишлоғим Қашқадарё воҳасида Чироқчи туманидан ажралиб чиқиб, янги тузилган Кўкдала туманининг Чияли ҳудудида жойлашган. Чиялида юз мингга яқин аҳоли яшайди. Бу ерда 6 та маҳалла, 20 дан ошиқ қишлоқ бор. Бизнинг қишлоқнинг номи — Қозоқ. Маълумотларга кўра, XX аср бошларида бу жойларда дастлаб тўрт нафар қозоқ миллатига мансуб кишилар оиласи билан истиқомат қилишган экан. Шунинг учун қишлоққа шу номни беришган. Ҳудудимизда дунёга машҳур “Пайшанба” бозори бор. Бу бозордаги яхна гўштнинг довруғи ҳаммага маълум.

Яқинда давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида: “Кўкдалада Чияли деҳқон бозори ҳудудида 50 га яқин тадбиркорлар Чиял яхнасини тайёрлаб сотади. Бу юз йиллик анъанага айланган. Ҳозир бозор фақат яқшанба кунини ишлайпти. Агар шароитни яхшилаб, меҳмонхона ва автотурагоҳ қурилса, кўп йиллик тарихга эга бу жой кунлик режимга ўтиб, ойига юз минг одамга хизмат қила олади” деди.

Бу гапни эшитган кўкдалаликларнинг қалби чексиз фахр-ифтихорга тўлди. Чунки агар бу ишлар амалга оширилса, бозор атрофи ҳам ўзгариб, шаҳар тусига киради. Кўчалар асфальтланиб, чанглар босилади. Дарахлар экилиб, яшиллик гуркирайди. Тунчи-роклар ўрнатилиб, кечалари ҳам чароғон бўлса, не ажаб? Туризм ривожланади, одамлар оқими янада серкатнов бўлади. Бу эса маҳаллий аҳоли учун ҳам бир қанча қулайликларни келтириб чиқаради. Минг шукрки, Аллоҳ назар солса, У ердаги сояси орқали маълум қиларкан.

Чиндан ҳам тобора янгиланиб бораётган туманимиз ҳар соҳада илғор бўлиб бораётир. Ташкил этилганига эндигина уч йил бўлди, аммо ўзгариш ва янгиланишлар сезларли даражада. Ислохотлар туман марказидан бошланган. Катта йўл ёқасидан қатор қилиб маъмурий бинолар ва кўп қаватли уйлар қад ростлаган. Шунингдек, ижтимоий комплекслар, тадбиркорлик субъектлари, маънавий-маърифий иншоотлар замонавий кўринишда қурилган. Уларни кўз билан кўрган одам борки, фақат ҳавас қилади. Режадаги ишлар эса давом этмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, миришкор ва танги халқининг меҳнати эвазига ҳар йили апрель ойининг ўрталаридан тарвуз пишади. Шунинг учун ҳам туманнинг марказий қисмига рамзий маънода тарвузга катта қилиб монумент ўрнатишган.

Яқинда қишлоққа бориб келдим. Пайшанба бозори жойлашган қишлоғимиз туман марказидан чамаси 10-12 километр ичкарида. Табиийки, қишлоққа ҳар борганда машҳур яхна гўшtidан бир татиб келишни одатга айлантирманман. Бу гал ҳам шун-

дай бўлди. Президентимиз таърифлаган Чияль бозоридан яхна гўшти ва Марьям опанинг ширин мантиларида тўйиб-тўйиб едик. Сўнгра қариндошуруғларни йўқлашга тушдик.

Бозорнинг шундоққина биқинида кекса ўқитувчи, қишлоғимизнинг энг ёши улуғи, 95 ёшли отахон – Норқора ҳожи Эрназаровнинг уйи бор. У киши бизга куда бўладилар. Учинчи опамни келин қилганлар. Жиянларни йўқлаш баҳонасида домла билан анча суҳбатлашдик. Бир гала неварачеваралар кўршовида ўтирган устоз билан жуда куюқ сўрашиб, маза қилиб гурунглашдик. Ҳожи бобо ҳалиям тетик, хотира-си жуда тиник. Сўраган саволингизга аниқ-тиник жавоб берадилар. Тирик тарих десаям бўлади.

– 1930 йилда туғилганман, – дейди Норқора ҳожи. – Болалигим айни колхозлаштириш пайтига тўғри келган. Ўша маҳалда колхозни шакллантиришга ҳисса қўшганларга индамасди, колганларни кулоқ қилиб юборарди. Отамнинг 8 та туяси бор эди. Ана шу туяларни колхозга топширган эдилар. Шунинг учун биз шу ерда яшаб қолганмиз. Бу даврда Чироқчи туманида 3 та – Тельман номидаги ўзбек мактаби, Чкалов номидаги рус мактаби ҳамда бизнинг Чиялида Надежда Константиновна Крупская номидаги ўзбек мактаби мавжуд эди. Алғов-далғов бир даврда уруш бошланиб қолди. 13 ёшимда, яъни 1943 йилда 1-синфга борганман. Бирорта ўзбек ўқитувчилари йўқ, ҳаммалари рус, татар ва бошқа миллат вакиллари эди. 1953 йили мактабни битириб, Тошкентга педагогика институтининг физика-математика факультетига ўқишга кирганман. 1957 йилда олийгоҳни тамомлаб, ўзим ўқиган мактабга ўқитувчи бўлиб ишга келдим.

Кекса устоз шу мактабда қарийб 50 йилга яқин педагогик қилди. Математика ва физика фанларидан ёшларга сабоқ берди. Бир неча шогирдлар етиштирди. Фан номзоди ва фан доктори илмий даражали, доцент ва профессор бўлган шогирдлари ҳам бор. Улар республикамизнинг турли тармоқларида, илмий даргоҳларда фа-



лият юритишади. Домланинг берган сабоғидан бир умр миннатдор. Устозни ҳар кўрганларида эҳтиром кўрсатиб, раҳматлар айтишади.

Норқора ҳожи Эрназаров бир умр ўқитувчиликнинг ҳалол нони билан 13 нафар фарзанд (5 ўғил ва 8 қиз) ни вояга етказди. Аёли Қорқора момо Ярлаева билан биргаликда қизларини узатиб, ўғилларни уйлантириб, бир этак неварачевара ва эваралар кўришди. Ҳозирги кунда 63 нафар неварачевара, 350 дан зиёд чевара ва яна бир неча эваралари бор. Қишлоқнинг энг серфарзанд ва бадавлат, энг кекса отахони ҳисобланади. Уларнинг ҳар бирининг тўй-тадбирларида тўрда ўтириб, кўпдан-кўп дуо қилади. Ўғилларининг тўрт нафарини ўқитиб, мартабали жойларда ишлашларига бош-қош бўлди. Уларнинг орасида ота касбини танлаганлари ҳам бор.

Устоз билан мириқиб суҳбатлашдик. Яқинда давлатимиз раҳбарининг Фармони билан “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медали билан тақдирланганини хурсанд бўлиб гапириб берди. Гарчи урушда қатнашмасаям, фронт ортида қилган хизматлари эвазига орадан шунча вақт ўтса ҳам давлат ва ҳукумат эътиборида эканлигидан мамнунлигини билдирди. Кекса одамнинг қувончи ёш боланинг хурсандчилиги каби намоен бўлди.

Ҳа, ҳалол инсон бўлиб яшашнинг мазмуни, гашти бошқача. Худо умр бериб, 100 ёшни қоралаб кетаётган Норқора ҳожи Эрназаровнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ва фаолиятига ҳавас қилса арзийди. Бундай обрў ва ибратли умр бир умр қилган меҳнати эвазига берилган муқофотдир. Бу оилани нафақат туман миқёсида, балки мамлакатимизнинг барча аҳолисига намуна қилса бўлади. Шундай шарафли умр ҳар биримизга насиб этсин.

Гофур ЖАБИЕВ,
журналист.

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолитдин ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-710
Адади: 1600
Пайшанба кунини чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табак.
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Тошпирилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



АДАБИЁТ – ОЛИЙ ҲАКАМ

Ёхуд Эркин Аъзамнинг ижод тутуми

Адабиётни, таъбир жоиз бўлса, одил судловга қиёлаш мумкин.

Табийки, одил судлов деганда адолатни фақат шиор қилиб олган-у бошқа бир идоранинг ёки қўли узун мансабдорнинг етовида ҳукм қиладиган эмас, Ҳақ ва ҳақиқатни устун биладиган, чинакам адолатга таянадиган тизим назарда тутиляпти. Бинобарин, одил судлов жиноят ва қабоҳат устидан қонуний ҳукм чиқарса, адабиёт жаҳолат ва ёлғон устидан бадий-фалсафий ҳукм ўқийди.

Одил судлов бир ёки бир гуруҳ жиноятчилар қилмишини тафтиш ва таҳлил қилиб, муносиб жазо тайинласа, адабиёт нафсу ҳаво қулига айланган алоҳида кимсаларгина эмас, ҳирсу ҳавас ботқоғига ботган нобоп жамият устидан ҳам бадий-фалсафий ҳукм қилиш имконига эга. Одил судлов асосан ашёвий далиллар, гувоҳлар кўрсатмалари билан иш кўрса, адабиёт инсоннинг ботин оламидаги қабоҳатни, руҳиятидаги сохталик ва шууридаги ёлгонни ҳам ҳақиқат тарозисига торта билади. Замонамизнинг машҳур адибларидан Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Эркин Аъзам ижоди олдида қарздор. Жумладан, ёзувчи асарларидаги образлар тизими, қахрамонлар руҳияти, уларнинг ботин оламидаги тўфону талотўплар, тафаккуридаги эврилишу зиддиятлар, ички ва ташқи дунёсиаро муносабатлар каби масалалар ҳануз тадқиқотчиларини кутаётир. Адибнинг ижод тутуми (концепцияси) адабиётшуносликда ҳануз муносиб баҳосини олган эмас. Бадий маҳорати сирлари, асарларининг тил ва услуб хусусиятлари, йўл-йўлакай билдирилган айрим фикру қарашларни истисно қилганда, чуқур таҳлил этилмаган. Ушбу мақола “Шоирнинг тўйи” қиссаси мисолида адибнинг ижод тутумини ўрганиш йўлидаги дастлабки уринишдир. Теран тадқиқотларни талаб этадиган ушбу илмий муаммони кичик бир мақола доирасида тўлақонли ҳал этиш имконсиз экани аён.

Ҳар қандай таҳлил саволлар қўйилишидан бошланиши маълум. Бизда ҳам шундай саволлар кўп: Эркин Аъзам ижод тутумининг бош хусусияти ёки асосий мезонини белгилаш мумкинми? Мумкин бўлса, нимани ёки нималарни кўрсатмоқ зарур? Бу мезонлар адиб асарларида қандай ижодий натижалар берган? Бизнингча, Эркин Аъзам ижод тутумининг бош хусусияти – ҲАҚИҚАТдир. Ёзувчининг деярли барча асарлари моҳиятан ушбу мезонга таянади. Лекин бунинг

нозик бир жиҳати бор: замонамизнинг аксар ёзувчи ёки шоирлари ҳаёт ҳақиқатини ёритиш мақсадини кўяр экан, асар воқеликнинг (жамиятдаги эзгу ва хайрли ишларнинг ёхуд жаҳолат ва қабоҳатнинг, одамзодга хос фазилатлару олижаноб хусусиятларнинг ёки нуқсону иллатларнинг) шунчаки баёни: тасдиғи ёки инкоригина бўлиб қолади. Бадийят бой берилади. Баъзан таниқли адибларнинг асарларида ҳам ифода услуби шунчалик ғализ ва тўмтоқ, тили шу қадар ғариб ва ночор бўладик, охиригача ўқиш учун тоғдек бардош талаб этилади. Ўринсиз ишлатилган, майишиб-қайишиб кетган сўзларнинг ингроғини эшитиб, чидай олмайсиз. Қўлингизга қалам олиб, таҳрир қилишга тушиб кетасиз. Лекин бундан нима фойда: китоб аллақачон нашр этилган, муайян ададда тарқалиб ҳам бўлган. Ижод тутумининг асосий мезони – ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантириш экан, ушбу бадий-фалсафий, ижодий-руҳий жараён натижаси қандай бўлиши охир-оқибатда ёзувчининг маҳоратига боғлиқ.

Эркин Аъзам сўзни чуқур ҳис этади, фасоҳат билан қўллайди. Оз сўзга кўп маъно юклай билади. Сўзга оҳорли бадийят либосини кийдириб, бетакрор зийнат бера олади. Унинг ижод намуналарида ифода услуби шу қадар равон, тасвир шунчалик жонли, образлар шу янглиғ тиникки, асар қахрамонлари билан бирга нафас оласиз, биргаликда яшай бошлайсиз; дарду ситамни ҳам, қувончу шодликни ҳам улар билан баҳам кўрасиз. Ёзувчи асарларида матн шу қадар пишиқ-пухта тузиладики, бирор сўзнинг ўрнини бошқаси билан алмаштириб бўлмайди. Натижада ёзувчи ҳаёт ҳақиқатини ўқувчига пешонасини артиб, ярқирайиб, гўзал бадий шаклда ҳавола этади.

Ижодкор тутумини ифодалашда бадий тилнинг ўрни алоҳида. Ҳақиқат ва адолат олдида юзи қора Оқсоқол шоир образи ўзи сўзлаган нутқ ва залдан ташланган лўқмалар орқали ишонарли тасвирлангани Эркин Аъзамнинг бадий тил имкониятларидан нечоғлиқ маҳорат билан фойдалана билиши исботидир. Жумладан, “Оташқалб ўзидан зўр шоирлиги учун Оқсоқол уни ҳасаддан қаматиб юборган, деган гап юради, айтинг-чи, шу тўғрими?” – деган лўқмага бил-

дирилган муносабатда бу образнинг чиркин қиёфаси янада яққол намоён бўлади. Ёзувчи ортиқча тафсилотга берилмайди. Кўпсизликдан сақланади. Оқсоқол шоирнинг тарих олдидаги хиёнатини оз сўз воситасида ўқувчи кўз ўнгига бадий сувратлантиради: “Оқсоқол батамом довдираб қолди. У ҳаммасини кутган, лекин бу қадар шафқатсиз ҳужумга тайёр эмас эди. Қўлида титраётган кўзойнакни минбар пештахтасига қўйиб, овоз келган тарафга тикилди”. Оқсоқолнинг тубан қиёфасини мушоҳада этмоқ учун ана шу тасвирнинг ўзи кифоя қилган.

Портрет ва характер – ижодкор тутумини намоён этувчи муҳим бадий унсурлардир. “Шоирнинг тўйи” қиссасидаги Мафкурахоним портрети ва характери бунга далил бўла олади. Унинг портрети “ўзи хушбичим, оқбадан, лекин юпка лаблари ҳар қанақа одамни чимдишга шайгина аёл” тарзида чизилган. Она тилида ҳатто бир бетлик матнни ҳам минг азобда қийналиб ўқийдиган Мафкурахонимнинг характери ҳам портретига мос: “Қирқ беш ёшлар чамасидаги бу хотин сўзга ниҳоятда чечан, бирпасда дунёни ағдар-тўнтар қилгудек фаол ташкилотчи, оқни қора, қорани оқ деб исботламоққа айниқса моҳир эди. У таги оксуяк хўжалар авлодидан бўлиб, марксча-ленинча таълимотга азбаройи меҳри зўрлигидан насл-насабини инкор этган...”. Ёзувчи унинг мансаб пиллапояларидан кўтарилишида ана шу сифатлари тирговуч бўлганига ишора қилади. Маиший бузуқ Мафкурахонимнинг ўзи бошқараётган соҳа раҳбари билмаслиги мумкин бўлмаган ҳақиқатлардан ҳам беҳабарлиги тасвирланган лавҳаларда ёзувчининг асар воқеалари учун асос бўлган давр сиёсатига аччиқ истехзоси акс этган. Адабиёт тарихида ёрқин из қолдирган, бетакрор истеъдоди ва ватанпарварлиги эвазига Оқсоқолга ўхшаганларнинг чақуви боис “Халқ душмани”га айланиб, сургун қилиниб, жувонмарг кетган Оташқалб шоир юбилейига “...шунча одамни саргайтира-саргайтира ташриф буюрган бу хоним... дам олиш хонасида узунчоқ биллурдан таманно этиб сув хўпларканлар, “Қани, домланинг ўзи келдиларми?” деган сўзи билан савияси нақадар паст эканини кўрсатиб қўяди. Қиссадаги ҳар бир сўз, ҳар бир бадий детал шу таҳлит ёзувчининг ижод тутумини сувратлантиришга хизмат қилган.

Оқсоқол шоир характери тасвири ҳам ёзувчининг катта бадий-фалсафий хулосалар қилишига асос беради. У аслида Алвасти, “очиқ ётган қозон” экани кейинчалик аён бўлган Мовийкўзни деб дўстига хиёнат қилади. Ёзувчининг талқинига кўра, Оқсоқол:

“... шу йўл билан ундан (Оташқалбдан – Н.Ж.) ўч олмоқ бўлди, ҳам шеърият мусобақасидаги ожизлигини ғайирлик билан ниқобламоқчи бўлди. Шу тариқа хиёнат кўчасига қирилди, ҳаёт-мамонт хиёнати. Бу кўчага бир маротаба қирган одам қайтиб чиқмоғи душвор, ихтиёрида биргина имкон қолади – ана шу кўча бўйлаб ичкарилаш, ичкарилаш, вассалом!” Умр бир жойга борганда Оқсоқол хатосини англаб етади. Лекин энди кеч эди: дўст бой берилган, иймон лат еган, шеърият замон хизматиға солинган эди.

Оқсоқол – умумлашма образ. Адиб аксар қаламкашлар характеридаги ноқис жиҳатларни – ҳирсу ҳавас, мансаб-мартаба илинжида одамийлик фазилатларини бой бериш, нафсу ҳаво деб тубанликка қулаш хусусиятларини ана шу образда жамлаган.

“Шоирнинг тўйи”даги бошқа образлар ҳам Эркин Аъзамнинг ижодкор сифатидаги тутумини акс эттиришга хизмат қилган. Ҳукмрон мафкура қурбонига айланган Оташқалб, замон ноғорасининг ўйинчиси Ажойиб домла, ҳақиқатпараст Ёш шоир образлари асар бадийятини таъминлашда ва муаллиф ижодий ниятининг бадий сувратланишида алоҳида ўрин туттади. Асардаги нисбатан иккинчи даражали ҳисобланган Тепакал, аслида Алвасти бўлган Мовийкўз дилбар, Жиянбека образлари, уларнинг бир-бирини такрорламайдиган характерлари тасвири, ёзувчининг нафсу ҳавога бой берилган умр, ёлгоннинг қурбонига айланган ҳақиқат ҳақидаги фалсафий умумлашмаларини асослашга хизмат қилган.

Эркин Аъзамнинг биргина қиссаси таҳлили асосидаги бу фикрлар “Шовқин” романи, бошқа қисса ва ҳикоялари тадқиқи мисолида мантикий давом эттирилмоғи, чуқур илмий кузатувлар билан бойитилмоғи, ёзувчи ижодига доир салмоқли илмий умумлашмалар чиқарилишига замин бўлмоғи зарур. Зеро, адабиётнинг асоси бўлган образ ва поэтик тафаккур, портрет ва характер, ижодий услуб ва бадий тил – барчаси ижодкор тутумини ифодалайди. Бир ҳақиқатни эътироф этмоқ зарур: аслида, муштаҳкам тутумга эга ижодкорлар кўп эмас. Қўлига қалам тутганларнинг ҳаммасида ҳам бу фазилатни топиш маҳол. Аслида, олам ва одам ҳаёти учун тўрт унсур – сув, ҳаво, тупроқ ва олов қанчалик керак бўлса, адабиётнинг равнақи учун ижодкор тутуми шунчалик муҳим. Эркин Аъзам асарлари мутолааси ижодкорларнинг бугунги ва келажакдаги авлодлари учун ҳам бу борада мезон бўла олиши жиҳатидан аҳамиятлидир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор